O'zbekiston Respublikasi Surxondaryo viloyati xalq deputatlari Termiz shahar Kengashining
Q A R O R I

Р Е Ш Е Н И Е
Термезского городского Кенгаша народных депутатов Сурхандарьинской области Республики Узбекистан

2019 йил 18 декабрь 203/41-05 Термиз ш.

Термиз шаҳрининг 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, 2020 йилдан бошлаб, Халқ депутатлари Кенгашларига маҳаллий бюджетларни бошқаришда хусусан маҳаллий бюджет ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилди.

Мазкур Қонуннинг 18-моддасига ҳамда 2020 йил учун Термиз шаҳар бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши, **қарор қилади:**

1. Сурхондарё вилояти Халқ депутатлари Кенгашининг 2019 йил 16 декабрдаги "Сурхондарё вилояти 2020 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги 322/5-48-сонли қарорига асосан Термиз шаҳар бюджетига Сурхондарё вилояти бюджетидан ажратилган:

тартибга солувчи бюджетлараро трансферт 5-иловага 29 млрд. 795 млн. 415 минг.сўм миқдорида тасдиқланганлиги;

шаҳар бюджетининг айланма касса маблағи 993 млн. 960 минг.сўм миқдорда белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2020 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари шаҳар бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

- жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
- жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;
- жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;
- цемент ва оҳактошдан ташқари, алоҳида норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- электр станцияларидан бошқа тўловчилар томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- айланмадан олинадиган солиқ.

б) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

- юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи;
- юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;
- бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг чакана сотуви учун акциз солиғи;
- айрим товарларни чакана сотиш ҳуқуқини бериш учун йиғим;

- қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари);

- харид қилганлик учун ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш вақтида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғим.

в) мобил алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

3. Қонунга асосан шаҳар бюджетининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) шаҳардан молиялаштирилувчи умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи ва иккинчи гуруҳ харажатлари республика бюджетидан, тўртинчи гуруҳ харажатлари тегишинча шаҳар бюджетидан молиялаштирилади;

б) шаҳар бюджетидан:

- фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари орқали тайинланадиган ижтимоий нафақалар;

- давлат санитария-эпидемиология назорати шаҳар марказини сақлаш харажатлари молиялаштирилади.

4. 2020 йил учун шаҳар бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

5. Шаҳар бюджетидан 2020 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Шаҳар ҳокимлиги захира жамғармаси маблағларини шаҳар бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

7. Шаҳар ҳокимлигининг тегишли мажмуалари, шаҳар молия бўлими:

ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар томонидан тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ҳамда коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини назоратга олсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида молиявий ҳисоботларни ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадларини 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни таъминласин, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

8. Шаҳар ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимиятига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритади.

9. Шаҳар молия бўлими бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини Кенгашга киритилишини таъминласин.

10. Шаҳар ҳокимлиги бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши учун шаҳар Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб борсин.

11. “Термиз оқшоми” газетаси (А.Саидмаликов) айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

12. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
шаҳар Кенгаши раиси **И.Худойбердиев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SURXONDARYO VILOYATI TERMIZ SHAHRI HOKIMLIGI DEVONXONA

TERMIZ SHAHAR HOKIMIYATI
SLIGA TO'G'RI
UMUMIY BO'LIM



Халқ депутатлари
Термиз шаҳар Кенгашининг
2019 йил «18» 12 даги
203/2-25-сонли қарорига
1-илова

2020 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
	ЖАМИ	**60 095 917,0**
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	
2	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	23 101 433,0
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	
4	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	3 332 902,0
5	Қўшилган қиймат солиғи	
6	Акциз солиғи, жами	6 407 313,0
	шу жумладан:	
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	*6 407 313,0*
7	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	3 804 333,0
8	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	3 849 619,0
9	Юридик шахслар ер солиғи	3 731 279,0
10	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	2 482 172,0
11	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	501 607,0
12	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	505 666,0
13	Давлат божи	
14	Жарималар	
15	Ижара тўлови	666 431,0
16	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	
17	Йиғимлар	
18	Ўтказиб бериладиган даромадлар	11 713 162,0
	Аҳоли сони (минг киши)	145 900
	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	7 519 366,0
	Мобил алоқага акциз солиғи	4 193 796,0

Халқ депутатлари
Термиз шаҳар Кенгашининг
2019 йил «18» 12 даги
20314-сонли қарорига
2-илова

2020 йил учун Термиз шаҳар бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган парламент ажратмаларининг чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	миқдори
	Харажатлар миқдори, Жами	**89 891,3**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**89 891,3**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**0,0**
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	
1.	**Халқ таълими**	**4 056,1**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 056,1
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
2.	**Мактабгача таълим**	**6 835,1**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 835,1
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
3.	**Соғлиқни сақлаш бошқармаси**	**43 486,2**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	43 486,2
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4.	**Маданият**	**5 327,3**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 327,3
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
5.	**Жисмоний тарбия ва спорт**	**1 300,6**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 300,6
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6.	**Ветеринария бўлими**	**341,2**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	341,2
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7.	**Меҳнат бўлими**	**631,7**

№	Кўрсаткичлар	миқдори
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	631,7
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
8.	**Молия бўлими**	**799,6**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	799,6
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9.	**Пенсия жамғармаси**	**578,6**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	578,6
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
10.	**Ободонлаштириш бошқармаси**	**18 208,1**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	18 208,1
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
11.	**Давлат ҳокимият органлари**	**8 202,9**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	8 202,9
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12.	**Ижтимоий мослашув марказлари**	**124,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	124,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Халқ депутатлари
Термиз шаҳар Кенгашининг
2019 йил «18» 12 даги
2023/41-сонли қарорига
3-илова

Умумдавлат солиқларидан шаҳар маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёри

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Ягона солиқ тўлови	Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Акциз солиғи: бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик	Юридик шахслар ер солиғи	Жисмоний шахсларнинг ер солиғи	Йиғимлар	Ижара тўловлари
1	Термиз шаҳри		100	100		100	35	70	100	100	70	100		100

Халқ депутатлари
Термиз шаҳар Кенгашининг
2019 йил «19» 12 даги
203/VII-01-сонли қарорига
4-илова

Термиз шаҳар маҳаллий бюджетларининг 2020 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

минг сўмда

Ҳудуд номи	Даромад	Харажат
ЖАМИ	**60 095 917,0**	**89 891 332,0**
Термиз шаҳар	60 095 917,0	89 891 332,0

Халқ депутатлари
Термиз шаҳар Кенгашининг
2019 йил «12» 12 даги
203/41-05-сонли қарорига
5-илова

Термиз шаҳар маҳаллий бюджетининг 2020 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

Шаҳар ва туманлар	**Тартибга солувчи трансферт миқдори**
ЖАМИ	**29 795 415,0**
шундан	
Термиз шаҳар	29 795 415,0

Халқ депутатлари
Термиз шаҳар Кенгашининг
2019 йил «18» 12 даги
2/9/11-5 сонли қарорига
6-илова

Термиз шаҳар маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган энг кам маблағлар миқдори

минг сўмда

Т/р	Ҳудуд номи	Миқдор
	ЖАМИ	**993 960,0**
	шундан	
1	Термиз шаҳар	**993 960,0**

Термиз оқшоми

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, БАДИИЙ ГАЗЕТА

2020 йил
№ 8

2001 йил 1 февралдан чиқа бошлаган

2020 ЙИЛ – СУРХОНДАРЁ: РЕЖА – АНИҚ, МАҚСАД – УМУМ; МУВАФФАҚИЯТЛАР НАҚД!

А. САИДМАЛИКОВ,
Э. НОРСАФАР

2019 йилда барча жабҳада катта муваффақиятларга эришган Сурхондарёликлар 2020 йил учун ҳам катта марраларни забт этишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган.

Бу эса, мазкур йил учун тузилган режаларни муҳокама Режа бор ва... қабул қилинди.

Шунга кўра 93 ... бошоқли дон экиш режаси туманлар ва фермер хўжаликлари кесимида ишлаб чиқилди.

Шундан, 40 минг 352 гектар очиқ майдонга, 52 минг 648 гектар пўза қатор оралиғига экиш режалаштирилди.

Суғорма майдонлардан 651 минг тонна бошоқли дон етиштириш ва давлат эҳтиёжлари учун 265 минг 250 тонна, шундан 242 минг тонна товар дон ва 23 минг 250 тонна бошоқли дон экилиши таъминланди; 122919 гектар ёки 139,7 фоиз майдонда суғорилди.

Шундан, биринчи суғориш тўлиқ майдонда ва иккинчи суғориш ишлари 36 минг 919 гектарда ўтказилди; 61 минг 190 гектар майдонни минерал ўғитлар билан бирлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 сентябрдаги 806-сонли қарори ижро-

